

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqlidir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya – الماتريدية – Матуридизм



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолiddин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари
бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги
04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМий-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолiddин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фаҳриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidijournal.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhriddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти..... 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табоқот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбаин жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили 171

Zohidjon M. ISLAMOV,
*Doctor of Philological Sciences, Professor of the
 Department of Uzbek language and classical oriental
 literature of the International Islamic
 Academy of Uzbekistan.*
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: zohidiy@yandex.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/1

**«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ»
 АРАБЧА СЎЗЛИГИНИНГ
 МАТНИЙ ТАҲЛИЛИ**

**TEXTUAL ANALYSIS OF
 ARABIC VOCABULARY
 «MUQADDAMAT AL-ADAB»**

**ТЕКСТОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ
 АРАБСКОГО СЛОВАРЯ
 «МУКАДДАМАТ АЛ-АДАБ»**

КИРИШ

Мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган «Муқаддамату-л-адаб» асарининг дунё фондларида юзга яқин нодир қўлёзмалари мавжуд. Уларнинг аксарияти XIII-XV асрларда китобат қилинган ва таркибига туркий сўзлик киритилган. Қўлёзма нусхалардаги арабча матн ўзига хос кўчирилгани сабабли тадқиқот жараёнида унга илмий-танқидий матн талаблари асосида ёндашилди. Қўлёзмалардаги арабча сўзлик матни бир-бирига синчиклаб қиёслаб чиқилди. «Муқаддамату-л-адаб» нусхаларини қиёслаш арабча сўзлик асосан ўзгаришга учрамаганини кўрсатди. Арабча матндаги барча ўзгаришлар, камчилик, хатолар, ўзига хос ҳолатлар матн аппаратида кўрсатилди. «Муқаддамату-л-адаб» уникал асар бўлгани учун ҳам унинг илмий-танқидий матни мазмунига доир ва имловий фарқ ва сакталикларга оид усулларда таҳлил қилиниши илмий аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Арабча сўзлик матнини мазмунига доир таҳлил ўзига хос ёндашувни талаб қилади. «Муқаддамату-л-адаб» асарининг арабча сўзлик матнида мустақил маъно англатувчи турли сўзлар қўлланилган ҳолатлар учрайди. Бу арабча сўзлар асар матнидаги туркий муқобиллари мазмунига мос келмайди. Масалан, «А» нусхадаги (А.2236.4)

زأر الأسد – за-ара-л-амад мақоласи «В» нусхада (В.46.9) زأر الأسد – за-ара-л-асад тарзида изоҳланган. «А» нусхадаги أمد – амад сўзи араб тилида «муддат, вақт» (Баранов Х.К., 1977:43), «В» нусхадаги أسد – асад эса «арслон» (Баранов Х.К. 1977:33) мазмунини англатади. Иборанинг форсий ҳамда туркий муқобилларида бу сўз «арслон» мазмунида қўлланилган. Демак, иборанинг юқоридаги زأر الأسد – за-ара-л-асад шакли матннинг тўғри варианты ҳисобланади.

Таянч қўлёзмадаги (А.224а.3) زفر – зафара феъли ёрдамчи «В» нусхада (В.5а.2) ذفر – шаклида берилган. Лекин, ёрдамчи қўлёзмада берилган ذفر – сўзи (АРСл.275) мазмунини ифодалайди. Қўлёзмалардаги форсий ҳамда туркий муқобиллар эса бу сўз мақоласининг «хўрсинмоқ, чуқур нафас олмоқ» мазмунини билдиради. Ушбу ўринда таянч нусхадаги زفر – «хўрсинмоқ» феъли асл матн мазмунига мос келади, шу сабабли у асосий матнда кўрсатилди. Қиёсланаётган таянч ҳамда ёрдамчи нусхалардаги арабча сўзлик матнида турли маънони ифодаловчи сўз моддалари билан берилган ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолатларни таҳлил қилишда уларнинг форсий, туркий муқобиллари англатган маъноларига мурожаат этилди ва тўғриланган вариант матнда кўрсатилди. «А» ва «В» нусхаларда (А.2276.5; В.6а.6) خبر – «хабара-л-қавма» – «қавмга хабар берди» ибораси келтирилган. Лекин, уларнинг туркий муқобиллари «А» нусхада ايتماك بيردى ايلكا – «этмак берди элга», «В» нусхада ايتماك بردى كشي لاركا – «этмак берди кишиларга» кўринишида берилган. Демак, юқоридаги арабча ибора «одамларга егулик берди» мазмунини англатмоғи керак. Араб тилида «егулик бермоқ, нон бермоқ» мазмунини خبر – «хабара» эмас, балки خبز – «хабаза» феъли англатади. Шу сабабли юқоридаги ибора خبز القوم – «хабаза-л-қавма» кўринишида асосий матнга киритилди.

Таянч қўлёзмадаги (А. 2456.1) تلم – «салама» феъли «В» ёрдамчи нусхада (В.13а.8) سلم – «салама» кўринишида берилган. Лекин, арабчада تلم – «бузмоқ» (Баранов Х.К., 1977:112) маъносини англатса, سلم – эса «соғлом бўлмоқ» (Баранов Х.К., 1977:370) маъносини англатади. Туркий муқобилда бу феъл айнан «бузмоқ» маъносида қўлланилган. Ёрдамчи сўзлик маъносига асосланган ҳолда арабча матнда تلم – салама феъли қолдирилди.

«В» ва «Г» нусхалардаги арабча (В.8а.8; Г.5а.7) قرض الشعر – «қараза-ш-шеъра» ибораси «шеър айтди» маъносини англатади, лекин мазкур ибора «А» нусхада (А.2326.3) قرض الشعر – қараза-ш-шаъи:ра кўринишида берилган.

Аннотация. Маҳмуд Замахширий лугатиунослик соҳасида юқори баҳоланган, дунё олимлари эътироф этган олимлардан саналади. Унинг илмий меросида ўндан ортиқ турли йўналишдаги лугатлар мавжуд. Олим лугатлари орасида Хоразмишох Алоуддавла Отсизнинг илтимосига биноан ёзилган «Муқаддамату-л-адаб» – «Адаб илмига кириши» номли кўптилли лугати алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур лугатнинг икки арабча-форсча, уч тилли арабча-форсча-туркий, тўрт тилли арабча-форсча-туркий-мўғулча сўзлик киритилган қўлёзмалари дунё фондларида сақланмоқда. Асарнинг қўлёзмалари ва уларнинг матнларини қиёсий ўрганиши арабча матннинг илмий танқидий, туркий матннинг йиғма шаклини тузиши зарурлиги белгиланди ва сўзликларнинг матнлари тузилди. Йиғма, илмий танқидий матн тузиши учун XIII-XV асрларда китобат қилинган Тошкент қўлёзмалари асос қилиб олинди. Асардаги арабча сўзликнинг илмий-танқидий матни мазкур сўзликнинг сезиларли ўзгаришига учрамаганини кўрсатади. Арабча матнда аниқланган айрим хатоли ўринлар котиблар томонидан йўл қўйилган матний сакталиклар ҳисобланади. Бундай хатоли ҳолатлар истифода этилган барча қўлёзмалар матнида учрайди. Илмий-танқидий матн асосида у ёки бу қўлёзманинг арабча сўзлиги матндан тушиб қолган сўз моддалари асосий матнга тикланди ва тўлдирилди. Асар арабча сўзлигининг илмий-танқидий матни араб тилидаги қўлёзма асарлар матнлари билан ишлаш жараёнида фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Калим сўзлар: Маҳмуд Замахширий, «Муқаддамату-л-адаб», арабча-форсий-туркий-мўғулча сўзлик, йиғма, илмий-танқидий матн.

Abstract. Mahmud Zamakhshari is highly recognized by the scholars of the world as a distinguished and famous representative of the field of lexicology. His scientific heritage consists of more than ten dictionaries written in different directions. «Muqaddamat al-Adab» (Introduction to the Science of Adab) – the polyglot dictionary, written upon the request of Khwarazmshah Ala al-Dawla Atsiz, has particular importance among his dictionaries. Arabic-Persian, Arabic-Persian-Turkic, and Arabic-Persian-Turkic-Mongolian manuscripts of the dictionary are stored in different funds of the world. A comparative study of the manuscripts of the work and their texts determined the need to create a scientific critical form of the Arabic text, a collection form of the Turkish text, and the texts of the dictionaries were compiled. Tashkent manuscripts copied in the 13th-15th centuries were used as a basis for creating a collective, scientific critical text. The scientific-critical text of the Arabic vocabulary in the work shows that this vocabulary has not undergone significant changes. Some of the identified errors in the Arabic text are typographical errors made by scribes. Such errors are found in the text of all used manuscripts. On the basis of the scientific-critical text, the articles of words that were missing from the text of the Arabic dictionary of a certain manuscript were restored and filled in the main text. The scientific-critical text of the Arabic dictionary of the work serves as a useful resource in the process of working with the texts of manuscript works in Arabic.

Keywords: Mahmud Zamakhshari, «Muqaddamat al-Adab», Arabic-Persian and Turkic-Mongolian dictionary, collection, scientific critical text.

Аннотация. Наследие Махмуда Замахшари высоко ценится в области лексикологии, сам он считается одним из признанных ученых мира. В его научном наследии насчитывается более десятка словарей различных направлений. Особое значение среди словарей ученого имеет многоязычный словарь «Мукаддат аль-адаб» – «Введение в литературу», написанный по просьбе хорезмшаха Алауддавлы Атсиз. В мировых фондах хранятся арабо-персидские двуязычные, арабо-персо-тюркские трехязычные, арабо-персо-тюрко-монгольские четырехязычные списки рукописей словаря. Сравнительное изучение рукописей произведения и их текстов определило необходимость составления научно-критической формы арабского текста, сводной формы тюркского текста, и были составлены тексты словаря. Ташкентские рукописи, переписанные в XIII-XV веках, послужили основой для создания сводного научно-критического текста. Научно-критический текст арабской лексики в работе указывает на то, что эта лексика не потерпела существенных изменений. Некоторые из выявленных ошибок в арабском тексте являются погрешностью допущенными переписчиками. Подобные ошибки встречаются в тексте всех используемых рукописей. На основе научно-критического текста были восстановлены и дополнены основной текст словарных статей, выпавшие из текста арабского словаря той или иной рукописи. Научно-критический текст арабского словника произведения служит полезным источником в процессе работы с текстами рукописных произведений на арабском языке.

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, «Мукаддамату-л-адаб», арабо-персо-тюрко-монгольский словарь, сводный, научно-критический текст.

Бу жумла «арпани майдалади» (Баранов Х.К., 1977:407) мазмунини беради. Ушбу ўринда «А» қўлёзмадаги туркий сўзликда келтирилган قوشوق – «қўшук айтти» мазмунини ифодаламайди. Котиб арабча الشعر – «аш-шеър» – «шеър» сўзини الشعير – «аш-шаъи:р» – «арпа» тарзида кўчирган, бу эса ибора мазмунининг бутунлай ўзгаришига олиб келган бўлар эди. Шунга асосланган ҳолда асосий матнда قرض الشعر – «қараза-ш-шеър» – قوشوق – «қўшук айтти» шакли қолдирилди ва قرض الشعر – қараза-ш-шаъир варианты матн остида хато вариант сифатида берилди.

«А» нусхада (А.234а.4) نشط الجمال – «нашата-л-жамал» ибораси «туяни никтади» маъносини англатади. «В» ва «Г» нусхаларда эса бу ибора (В.9а, 2; Г.5б.6) نشط الخيل – «нашата-л-хайл» – «ипни эшди», «арқонни буради» мазмунида изоҳланган. «А» нусхадаги «нашата-л-жамал» иборасининг мазмуни қўлёзмалардаги туркий муқобиллар ифодаланган маънони англатмайди. Бу арабча жумладаги الخيل – «ал-хайл» кўрсатилди. الجمال – «ал-жамал» эса матн мазмунига мос келмаган сўз сифатида матн остида кўрсатилди.

Таянч қўлёзма (А.243а.2), шунингдек ёрдамчи «Г» нусхадаги (Г.8а.7) عسل الرمح – «асала-р-румх» – «найза тебрани» ибораси «В» нусхада (В.12б.3) عسل الريح – «асала-р-ри:х» тарзида келтирилган. Иборадаги الريح – «ар-ри:х» сўзи бошқа қўлёзмалардаги каби «найза» мазмунини эмас, балки «шамол» мазмунини англатади. Мазкур иборани «шамол тебрани» маъносида таржима қилиш мумкин. У ҳолда арабча сўзликнинг мазмуни форсий, туркий сўзлик англатган маънони ифодаламайди. Шу сабабли асосий матнда арабча сўзлик عسل الرمح – «асала-р-румх» тарзида қолдирилди.

Асарнинг арабча матнида бир сўзнинг ўрнига бошқа маънодаги шаклан ўхшаш сўзнинг қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, ёрдамчи «В» нусхада (В.4б.3) جزر الجوز – «жазара-л-жазу:ра» ибораси «А» нусхада (А.222б.4) جزر الجوز – «жазара-л-жузу:ра» шаклида берилган. Арабча جزور – «жазу:р» сўзи «қурбон қилинажак туя» (Баранов Х.К., 1977:122) маъносини англатади. Иборанинг туркий муқобилида айнан «туя» сўзи назарда тутилган. Шу сабабли, мазкур сўз матнда جزور – жазу:р шаклида кўрсатилди.

МУҲОКАМА

Маълумки, араб тилидаги айрим феъллар мустақил ҳолда бир мазмунни англатса, бирор бир олд қўшимча билан бошқа бир мазмунни англатади.

Шунингдек, феъллар бир мазмунни ифодалаш учун турли олд қўшимчалар билан қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолатлар «Муқаддамату-л-адаб»нинг қиёсий ўрганилаётган қўлёзмалари матнида ҳам учрайди. Масалан, араб тилидаги عذر – «азара» феъли من – «мин» ҳамда عن – «ан» олд қўшимчалари билан қўлланилади. Айнан шу феъл «А» нусхада эса عن – олд қўшимчаси билан (В.5а.8) عذره عن الشيء – «азараҳу ани-ш-шай-и» тарзида битилган. Буларнинг иккиси тўғри вариант сифатида асосий матнда кўрсатилди.

Ёрдамчи «В» ҳамда «Г» нусхаларда (В.12а.8; Г.8а.5) عثله الى السلطان – «аталаҳу ила-с-султо:н» олд қўмакчиси билан қўлланилган, «А» нусхада эса мазкур феъл على – «ала» олд қўмакчиси билан кўчирилган; (А.242б.3) عثله على السلطان – «аталаҳу ала-с-султо:н» كوج بيله تارتى انى سلطان سارى – «куч била тартти ани султан сари». Демак, қўлёзмаларда عثل – «атала» феъли على – «ала» ҳамда الى – ила олд қўшимчалари билан қўлланилган.

Араб адабий тилидаги دان – «да:на» «қарз бермоқ, бермоқ» (Баранов Х.К., 1977:271) феъли қўмакчиси билан қўлланилган бўлса, ёрдамчи нусхаларда (Б.17а.5; В.23а.1; Г.15б.7) دان له بالصيغة – «да:на лаҳу би-сайъати» кўринишида ل – «ли» қўмакчиси билан қўлланилган бўлса, ёрдамчи нусхаларда دانه بالصيغة – «да:наҳу бир-с-сайъати» тарзида қўмакчи кўрсатилган. Ҳар иккала ҳолат ҳам ўринли бўлгани сабабли, улардан бири матнда ва иккинчиси фарқли ҳолат сифатида матн остида берилди.

Арабча матндаги иборалар таркибида маълум арабча сўзнинг маънодошини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, қиёсланаётган қўлёзмаларда «қул» мазмунида عبد – «абд» сўзи ифодаланган. Қўлёзма матнида мана шу сўз иштироки бир неча бирикмада учрайди. «В» ва «Г» нусхаларда (В.11а.5; Г.7а.8) عتق العبد – «атақа-л-абд» – «қул озод бўлди» ибораси учраган. Мазкур иборанинг арабча асли «А» нусхада (А.239б.2) عتق الغلام – «атақа-л-ғула:м» тарзида ёзилган. Йиғма-танқидий матнда юқоридаги ҳар иккала ҳолат кўрсатиб ўтилди.

Бир-бирига маънодош عقد – «ақд» ҳамда عهد – «аҳд» сўзлари ҳам бир маънони ифодалаш учун хизмат қилган. «А» ва «Б» нусхаларда бу сўз عهده – «аҳд» кўринишида (а.182а.4; Б.22б.1) وفى بالعهد – «вафа би-л-аҳд» тарзида, «В» ҳамда «Г» қўлёзмаларида эса (В.25б.8; Г.17б.7) وفى بالعقد – «вафа би-л-ақд» шакли берилган. Қиёсланаётган барча қўлёзмаларда бу сўзлар «аҳд» мазмунида изоҳланган.

Қўлғезмаларда арабча сўзлик матнида фарқланувчи сўз моддаларининг туркий сўзлик матнида ҳам фарқланиш ҳоллари учратилди. Бундай ҳолларда фарқли ўринлар алоҳида кўрсатилди. Масалан, «А» ва «Б» нусхаларда (А.2616.1; Б. 106.7) арабча *وَأَل* – ва-ала феъли туркий *قوتولدى* – «кутулди» тарзида ифодаланган. Лекин, «В» ва «Г» нусхаларда эса (В.19а; Г.13а.6) *وَأَل مِنْهُ* – ва ала минху тарзида феъл *مِنْ* – «мин» кўмакчиси билан қўлланилган ва бу кўмакчининг мазмуни туркий матнда ҳам ифодаланган, яъни *قوتولدى اندين* – «кутулди андин» тарзида берилган.

Арабча матндаги ўзгариш туркий сўзликда ҳам акс этгани *فعل يفعل* – «фаъала йафъалу» қолипидаги сўз мақолаларида ҳам учрайди. Мазкур бўлимда *طَرَأ* – «тара-а» моддасини изоҳлашда «Б» ва «В» нусхаларида (Б.936.3; В.67а.4) *طَرَأ عَلَيْنَا* – «тара-а алайна» ибораси қўлланилган ва у туркийда «бизнинг олдимизга сездирмасдан келди» мазмунида изоҳланган. Бу мақола «А» нусхада эса (А.385а.1) *طَرَأ عَلَيْنَا فُلَان* – «тара-а алайна фула:н» тарзида берилиб, унинг таркибидаги «фула:н» – «фалончи» сўзи эса туркийда ҳам ўз аксини топган ва у «фалончи бизнинг олдимизга билдирмасдан келди» мазмунида берилган. Юқоридаги ўзгаришли жиҳатлар асар матнида кўрсатиб ўтилди.

Арабча матнда кўзга ташланадиган ҳолат имловий фарқ ва сакталиклар ҳисобланади. «Муқаддамату-л-адаб» таркибига киритилган арабча сўзлик матнини таҳлил қилиш матнда турли фарқ, имловий хато, сакталиклар мавжудлигини кўрсатди.

«Муқаддамату-л-адаб»даги феъл бобларининг номлари матнда сарлавҳа тарзида кўрсатилган. Сарлавҳалар матни қиёсланаётган қўлғезмаларда асосан ўзгаришсиз келтирилган. Лекин, қўлғезмаларда арабча матндаги сарлавҳаларнинг тушиб қолиш ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан, «А» қўлғезмадаги *فعل يفعل* – «фаъала йафъалу» қолипидаги биринчи боб феъллари таркибига кирган *المضاعف* – «ал-муда:ъаф» – «иккиланган феъллар» сарлавҳаси қўлғезма матнида тушиб қолган.

Шунингдек, «А» нусхадан (А.2626.2) биринчи боб феълларининг *المعتل الفاء بالياء* – «ал-муъталлу-л-фа: би-л-йа:» – «биринчи ўзаги «йа:» билан ифодаланган феъллар» қисмининг сарлавҳаси ҳам тушиб қолган. Қиёсланаётган «В» нусхадаги *فعل* – «фаъила» қолипидаги феълларнинг *المعتل الفاء* – «ал-муъталлу-л-фа: ва-л-ла:м» – «биринчи ва учинчи ўзаги иллатли» бўлган қисмининг сарлавҳаси ҳам матндан тушиб қолган.

Қўлғезмаларда арабча матндаги сарлавҳалар тўлиқ кўрсатилмаган ҳолатлар ҳам учрайди. I боб феълларининг учинчи ўзаги «йа:» билан ифодаланган бўлими «Б», «В», «Г» нусхаларда (Б.176.6; В.23а.7; Г.16а.1) *المعتل اللام* – ал-муъталлу-л-ла: м, «А» нусхада *المعتل اللام بالياء* – ал-муъталлу-л-ла:м би-л-йа: тарзида тўлиқ кўрсатилган.

Сарлавҳалар матнида йўл қўйилган ноқисликлар қиёсланаётган нусхалар асосида тўлдирилди. Масалан, биринчи боб феълларининг биринчи ўзаги ва:в билан ифодаланган ва иккинчи ўзаги иккиланган феъллар қисми «Б» нусхада *المعتل الفاء من المضاعف* – ал-муъталлу-л-фа: мина-л-муда:ъаф тарзида кўрсатилган. «А», «В» ва «Г» нусхаларда эса бу сарлавҳа *المعتل الفاء بالواو المضاعف* – «ал-муъталлу-л-фа: би-л-ва:в-ал-муда:ъаф минху» шаклида тўлиқ берилган. Сарлавҳанинг мана шу тўлиқ шакли асосий матнга киритилди.

Қўлғезмалардаги сарлавҳаларни қиёслаш уларнинг грамматик жиҳатдан тўғри ва мукамал вариантини яратиш имконини беради. Масалан, I боб феълларининг биринчи ўзаги иллатли бўлган қисми «Б», «В» ҳамда «Г» нусхаларда *المعتل الفاء من المضاعف* – «ал-муъталлу-л-фа: мина-л-муза:аф» кўринишида қоидага биноан ёзилган. Лекин, мазкур сарлавҳа «А» нусхада (А.411а.1) *المضاعف منه* – «ал-муза:аф минху» тарзида қисқартириб берилган. Бу эса юқоридаги қисмга киритилган феълларнинг хусусиятларини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабли матнда сарлавҳанинг *المعتل الفاء من المضاعف* – «ал-муъталлу-л-фа: мина-л-муда:аф» мазмунидаги тўлиқ шакли қолдирилди ва қисқартма шакли остида кўрсатилди.

Қиёсланаётган қўлғезмаларнинг арабча матнида ҳарфларнинг ўзгариши, хато ёзилиши ҳоллари учрайди. Масалан, «Б», «В» нусхалардаги (Б.97а.5; В.696.5) *نفح المسك* – «нафаҳа-л-миску» – «мушк ҳид таратди» жумласи «А» нусхада (А.3406.4) *سفع المسك* – «сафаҳа-л-миску» тарзида берилган. Жумладаги феълнинг биринчи ҳарфи ўзгарган ва сўз бошқа шаклга келиб қолган. Тадқиқотда жумланинг тўғри *نفح* – «нафаҳа» шакли қолдирилди.

Арабча «ҳалажа-л-кутна» мақоласи «А» нусхада (А. 129.3) *جلج القطن* – «жалажа-л-кутна», «В» нусхада эса (В.3а.2) юқоридагидек «ҳалажа-л-кутна» тарзида изоҳланган. Асарнинг «Д» нусхасида эса (Д.77) *حلج* «ҳалаҳа» кўринишида берилган, лекин бу феъл ўзаги араб тилида маъно англатмайди. Демак, «тозаламоқ» мазмунини ифодалаган халажа феъли асардаги матн маъносига тўғри келади. Қўлғезмалардаги *جلج* – «жалажа»,

حَلَج – «ҳалаҳа» шакллари эса матн мазмунига мос келмайди ва улар матн аппарати остида хато вариантлар сифатида кўрсатилди.

Ҳарфларнинг ўзгариш, хато ёзилиш ҳоллари қиёсланаётган барча қўлёзмалар матнида учрайди.

Қиёсланаётган қўлёзмалар матнида арабча сўз мақолаларидан айрим нуқталарнинг тушиб қолиш ёки орттириш ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, نسخ – «насажа-с-савба» ибораси «А» нусхада (А.219а.4) نسخ الثوب – «насажа-с-савба» кўринишида келтирилган, лекин نسخ – «насаҳа» ўзаги араб тили луғатларида маъно фарқланмаган. Ёрдамчи «В» қўлёзмада мазкур ибора (В.3а.7) نسخ الثوب – «насажа-с-савба», «Д» нусхада эса نسخ الثوب шаклида нуқталарсиз берилган. Мақоланинг «тўқимоқ» мазмунидаги туркий муқобили маъносини арабча насажа феъли англатади. Шу сабабли نسخ الثوب – «насажа-с-савба» ибораси асосий матнда кўрсатилиб, نسخ الثوب – «насаҳа-с-савба» шакли матн остида фарқли ҳолат сифатида берилди.

Ёрдамчи «Б» нусхадаги (Б.91б.6) عنى – «анийа» феъли «Г» нусхада (Г.45а.9) غنى – «ғанийа» тарзида келтирилган. Бу эса туркий сўзлик мазмунининг ўзгаришига олиб келиши керак эди, лекин сўзнинг «Г» нусхадаги туркий муқобили айнан عنى – «анийа» – امكاندى – эмганди мазмунида берилган. Демак, юқоридаги феъл шакли عنى – «анийа» тарзида матн мазмунини тўғри ифодалаган бўлади.

Истифода этилган қўлёзмалар арабча матни таркибидаги иборалардан айрим бўлақларининг тушиб қолиш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда ибораларнинг тўлиқ вариантлари тўғри, деб топилиб, асосий матнда қолдирилди, ноқис кўринишлар эса танқидий матн остида кўрсатилди. Масалан, «А» нусхадаги (А.220а.3) منحه – «манаҳаху» мақоласи «А» нусхада (В.3б.3) منحه مالا – «манаҳаху ма:лан» сўзи тушиб қолган, «Д» нусхада ҳам ушбу сўз акс эттирилмаган. Қўлёзмалардаги туркий муқобиллар (А.220а.3) نيمه بخشلاى انقه – «нима бахишлади анқа», (В.3б.1) برنا بردى انكا – «бирна бәрди анга» айнан «ма:л» сўзининг ибора таркибида зарурлигини талаб этади. Шу боисдан, асосий матнда منحه مالا – «манаҳаху ма:лан» ибораси қолдирилди ва منحه – «манаҳаху» кўриниши иборанинг варианты сифатида берилди.

Таянч қўлёзманинг فعل يفعل – «фаъала йафъилу» қолипдаги феъллар бобида (А.221а.4) سرد – сарада мақоласи келтирилган. Мазкур феъл арабча سرد القراءة – «сарада-л-қира:ата» ибораси воситасида изоҳланган. Таянч қўлёзма матнини ёрдамчи нусхалар матни билан қиёслаш вақтида

бу иборанинг кейинги қўлёзмаларда нисбатан тўлиқроқ экани аниқланди. Бу сўз мақоласи «В» нусхада (В.3б.8) سرد القراءة والحديث – «сарада-л-қира:ата ва-л-ҳади:са» шаклида тўлиқ берилган. Ҳар иккала қўлёзмадаги арабча сўзлик ундаги туркий муқобиллар мазмунига мос келади: (А.221а.4) اولاشيوردى اوقور – «улашийурди окур», (Г.2а.5) اولاشوقيلدى اوقيماقنى تغى سوزنى – «улашу қилди оқимақни тағи созни». Илмий-танқидий матнда асосий сўз мақоласи сифатида «сарада-л-қира:ата ва-л-ҳади:са» ибораси кўрсатилди. Унинг «сарада-л-қира:ата» кўриниши вариант сифатида изоҳланди.

Қўлёзмалар матнида айрим сўз мақолаларининг кейинчалик тўлдирилганини кўриш мумкин. Масалан, «Муқаддамату-л-адаб»нинг XIII–XIV аср қўлёзмалари матнида فعل يفعل – «фаъла йафъалу» қолипдаги сўзлар сирасига ناز – «назара» (В.6а.1.; 3б.2) феъли киритилган. Айнан шу сўз мақоласи XV аср қўлёзмасида (А.227а.1) نذر الله – «назара лилла:ҳи» тарзида тўлдирилган ва نذر – «назара» نذر نذر الله – «назара лилла:ҳи», نذر الله – «назр қилди», نذر قيلدى – «назр қилди Тэнгрига» кўринишида берилган. Улар таркибидан من الغمد «мина-л-ғимди» – «киндан» мазмунидаги бўлак тушиб қолган. Қиёслаш вақтида фактгина «Б» нусхада (Б.49а.6): سل السيف من الغمد – «салла-с-сайфа минал-ғимди» жумласи тўлиқ экани исботланди ва у асосий матнда кўрсатилди.

Қўлёзмалардаги قرح – «қариха» феъли «яралик бўлди» (Мухит.3.251) мазмунини англатган. «В» нусхада эса бу феъл (В.53а.5) قرح جلده – «қариха жилдуху» – «унинг териси яралик бўлди» тарзида тўлдирилган. Матнда бу тўлдирилган ҳолат фарқли шакл сифатида кўрсатилди.

Қўлёзмаларнинг арабча матнидаги имловий хатолар сирасига шаклан нотўғри ёзилган ҳарфлар ҳамда белгиларни ҳам киритиш мумкин. Бундай хатоли ўринлар кам бўлсада қўлёзмалар матнида учраб туради.

Масалан, араб тилидаги ўтган замон феълнинг III шахс муаннас шаклига муаннаслик белгиси – «ат» қўшимчаси қўшилади. Мана шу қўшимча ت – т ҳарфининг алоҳида ёки сўз охиридаги кўринишлари воситасида ёзувда акс эттирилади. Қиёсланаётган «А» нусхада юқоридаги қўшимчанинг ة – «та марбута» кўринишидаги ҳолати учрайди: (А.224а.4) سفرة المرأة – «сафарати-л-мар-ату». Ёрдамчи «В» нусхада бу ибора (В.5а.3) سفرت المرأة – «сафарати-л-мар-ату» шаклида тўғри ёзилган.

Таянч «А» нусха матнини ёрдамчи «В» нусха матни билан солиштириш чоғида «А» нусхадаги ما نيس بكلمة «ма: набиса би калиматин» иборасининг «В» нусхада ما نيس بكلمه «ма: таса би каламихи» тарзида изоҳланганлиги аниқланди. Лекин, «В» нусхадаги арабча «ма: таса би каламихи» ибораси туркий муқобил англатган мазмунни ифодаламайди. «А» нусхадаги ما نيس بكلمة «ма: набиса бикалиматин» ибораси тўғри вариант сифатида қабул қилинди ва матнда кўрсатилди.

Таянч қўлёзмадаги (А.237а.2) арабча هتف به «ҳақафа биҳи» жумласи ёрдамчи нусхаларда هتف به «ҳатафа биҳи» шаклида берилган. «А» нусхадаги «ҳақафа» феъли араб тилида маъно англатмайди, лекин «ҳатафа» эса туркий муқобилларда берилган «чақирмоқ, қичқирмоқ» маъноларини билдиради. Шу муносабат билан ёрдамчи нусхалардаги هتف به «ҳатафа» феъли асосий матнда тўғри вариант сифатида кўрсатилди.

Айрим ҳарфларнинг фарқли ёзилиш ҳоллари ёрдамчи нусхаларда ҳам учрайди, масалан, «Қуръонни хатм қилди» мазмунидаги ختم القرآن «хатама-л-Қур-а:на» ибораси «А» ҳамда «В» нусхаларда ўзгаришсиз берилган. Мазкур ибора «Г» нусхада ختم القرآن «хатама-л-Қур-а:на» тарзида ط - та билан берилган. خطم «хатама» феъли эса юқоридаги мазмунни англатмайди. Демак, «Г» нусхадаги арабча ибора феъли нотўғри кўчирилган.

Арабча матн таркибида грамматик жиҳатдан хато ҳисобланган кўринишли ҳолатлар ҳам учрайди. Матндаги бундай хатоли ўринлар грамматик жиҳатдан таҳлил қилиниб, бошқа нусхалар матни билан қиёсланди ва грамматик тўғри сўз мақоласи асосий матнда келтирилди. Масалан, «Г» нусхадаги (Г.46.3) ترنادى يوزنى «тиранади йузни» иборасининг арабча муқобили «В» нусхада (В.76.3) خدش الوجه «ҳадаша-л-важҳаху» кўринишида берилган. Лекин, ушбу иборадаги الوجه «ал-важҳаху» сўзи грамматик жиҳатдан хато ёзилган. Чунки, араб тили грамматикаси қоида-сига мувофиқ бирикиб келувчи олмошлар қўшилган сўзлар грамматик аниқ ҳисобланади ва уларга аниқлик кўрсаткичи «алиф-ла:м» қўшилмайди. Бундан ташқари, «Г» нусхада бу ибора خدش الوجه «ҳадаша-л-важҳа» кўринишида тўғри берилган.

Ёрдамчи «В» нусхада (В.516.1) رغب بك «рағиба бик» жумласи كوناك لادى انكا «кўнгуллади анга» шаклида изоҳланган. Лекин, арабча жумладаги иккинчи шахс бирлик мазмунини ифодаловчи маъно туркий муқобилда акс этмаган. Мазкур ибора «А», «В» ҳамда «Г» нусхаларда رغب فيه «рағиба фиҳи» ибораси қолдирилди.

Грамматик жиҳатдан хато берилган ҳолатга қуйидаги жумлани ҳам келтириш мумкин. «Идишда сув қолди» мазмунидаги سار سور فى الاناء «са-ара су:р фи-л-ина:и» жумласи «А» ва «Б» нусхаларда (А.3426.1; В.98а.6) юқоридаги каби ўзгаришсиз берилган. Лекин, «В» ҳамда «Г» нусхаларда эса бу жумла سار سور فى الاناء кўринишида ёзилган. Гапнинг эгаси тушум келишиги кўринишида «су:рун» тарзида келтирилган. Шу сабабли «В» ва «Г» нусхалар билан қиёслаш чоғида ҳар иккала ёрдамчи қўлёзмаларда бу иборанинг фарқли экани аниқланди. Мазкур ибора «В» нусхада (В.126.4) عقل العقيل «ақала-л-ақи:л», «Г» нусхада эса (Г.86.8) عقل القتيل «ақала-л-қи:та:л» тарзида берилган. Ёрдамчи нусхалардаги العقل «ал-ақи:л» ҳамда القتيل «ал-қи:та:л» сўзлари асосий матндаги القتيل «ал-қати:л» мазмунини англатмайди. Шу сабабли, мазмундан келиб чиққан ҳолда танқидий матнда القتيل «ал-қати:л» сўзи қолдирилди. «Ал-ақи:л», «ал-қи:та:л» сўзлари матн остида фарқли сўзлар сифатида келтирилди.

НАТИЖА

Қиёсланаётган барча қўлёзмаларнинг арабча матнида хато шакл сифатида қўлланилган сўз мақолалари уларнинг туркий ҳамда форсий муқобиллари англатган маънолари асосида текширилди ва тўғри маънодаги сўз шакли асл матнга тикланди. Масалан, «мен фалон нарсани унинг оғзидан эшитдим» ибораси қўлёзмаларнинг арабча матнида سمعت كذا من فلق فيه «самийту қаза: мин фалақи фиҳи» кўринишида келтирилган. Лекин, барча қўлёзмаларда хато кўчирилган. Мақола англатган маъно асосида жумладаги фи: «ҳи» – «унда» сўзи «фамиҳи» – «унинг оғзи» кўринишида ўзгартирилди ва асосий матнда кўрсатилди.

Арабча матннинг أفعل يفعل – афъала йуфъилу қолипидеги أفضعه الامر – афзаъаху-л-амр – «иш уни кўрқитди» жумласининг арабча шакли қиёсланаётган нусхаларда турлича кўрсатилган. Жумла матни «А», «В», «Г» қўлёзмаларда أفضعه الامر – афзаъаху-л-амр, «Б» нусхада эса أفضعه الامر – афзаъаху-л-амр кўринишида берилган.

Арабча сўзлик матнида жумла ёки ибораларнинг ўз ўрнида қўлланмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Манба шундай ҳолатлар қиёсланаётган бошқа қўлёзмалар асосида солиштирилиб, грамматик жиҳатдан тўғри, деб топилган шакл асл матнга олиб чиқилди. Масалан, «нарсани елкасида ёки бошида кўтарди» иборасининг арабча матни «А» ҳамда «В» нусхаларда (А.242а.1; В.12а.4) او على رأسه

حمل الشيء على ظهره – «ҳамала-ш-шай ала захриҳи ав ала ра-сиҳи» шаклида келтирилган, лекин, ёрдамчи «Г» нусхада эса (Г.8а.1) حمل الشيء او على ظهره على رأسه – «ҳамала-ш-шай-а ав ала захриҳи ала ра-сиҳи» кўринишида берилган. Ушбу иборадаги او – ав ёки уюшиб келаётган бўлақлар орасида келиши керак эди, лекин у уюшиқ бўлақлардан олдин келган. Матнда жумладаги сўзлар тартиби грамматик жиҳатдан тўғри ҳолатга келтирилди ва матнда кўрсатилди.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг арабча матни таркибига киритилган сўз мақолалари орасида ортиқча қўлланилган сўзлар ҳам учрайди. Масалан, «А» ва «В» нусхалардаги حمل على نفسه فى السير – «ҳамала ала нафсиҳи фи-с-сайр» – «ўзини юриб чарчатди» ибораси «Г» нусхада (Г.8а.2) حمل عليه على السير – «ҳамала алайҳи ала нафсиҳи фи-с-сайр» кўринишида берилган. Мазкур иборадаги على – «ала» олд кўмакчиси жуфт қўлланилган, лекин улардан бири жумла таркибига ортиқча киритилган.

Асар матнида сўз мақолаларига кўшимча тарзида киритилган, лекин мазкур кўшимча сўз туркий сўзликда акс этмаган ҳоллар ҳам мавжуд. Арабча сўзликдаги شقه – «шаққаху» феъли барча қиёсланаётган қўлёмаларнинг туркий сўзлигида «йарди ани» кўринишида изоҳланган. Мазкур сўз мақоласи «Б», «В», «Г» нусхалардан фарқли «А» нусхада (А.268а.40) شق الشيء – шаққа-ш-шайа – «нарсани ёрди» шаклида берилган. «Нарсани ёрди» мазмуни эса ёрдамчи нусхалар сўзликларида акс этмаган. Демак, иборадаги الشيء – «аш-шай» сўзи котиб томонидан кейинчалик киритилган, унинг мазмуни «уни» маъносини ифодаловчи و – «ху» бирикма олмоши вазифасига яқинлаштирилган.

Айрим ҳолларда қўлёмалардаги арабча матнда баъзи бирикиб келувчи олмошлар, кўмакчиларнинг ортиқча қўлланиш ёки тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди.

Масалан, «В», «Г» нусхаларда غابه عنه – «ға:баҳу анху», яъни «уни ундан йўқ қилди» мазмунидаги сўз мақоласи қўлланилган. Лекин, бу ибора «А» ҳамда «Б» нусхаларда غاب عنه – «ға:ба анху» тарзида берилган. Ушбу ўринда қўлланилган иборанинг мазмуни туркий муқобилдаги сўзлик мазмунига мос келади. Демак, «В» ҳамда «Г» нусхалардаги дастлабки бирикиб келувчи олмош ортиқча қўлланилган.

«В» нусхадаги (В.26.3) كسبه كذا – «касабаҳу каза:» сўз мақоласи «А» нусхада (А.2176.4) كسبه بكذا – «касабаҳу биказа:» тарзида келтирилган. Араб тили

луғатларида касаба феълининг би олд кўмакчиси билан кўрсатилган ҳолатлари учрамайди. Бундан ташқари «Муқаддамату-л-адаб»нинг қадимий нусхаларида феъл (Д.76) كسبه كذا – «касабаҳу каза:» тарзида берилган. Шунга асосланган ҳолда мазкур иборани كسبه كذا – «касабаҳу каза:» тарзида тўғри деб топилди ва матнда шу кўринишида кўрсатилди.

Қўлёмалар матнида предлогларнинг ортиқча қўлланиши билан бир қаторда уларнинг матнда тушиб қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, «А» ва «Б» нусхалардаги فسح له فى المجلس – «фасаҳа лаҳу фи-л-мажлис» жумласидаги له – «лаҳу» предлоги «В» ва «Г» нусхалар матнидан тушиб қолган.

Қўлёмалар матнида ҳарфларнинг тушиб қолиш ҳоллари ҳам кузатилади. فعل يفعل – фаъала йафъилу қолипидаги «бўри улиди» мазмунидаги عوى الذنب – ъава-з-зиб ибораси «Б», «В», «Г» нусхаларда айнан юқоридагидек ифодаланган, бу ибора «А» нусхада (А.184а.2) عو الذنب – «ава-з-зи-б» шаклида ноқисли ҳолда кўрсатилган. Бу ноқисли ҳолат матн остида кўрсатиб ўтилди.

Арабча матндаги عتا الشيخ – «ата:-ш-шайх» ибораси «Б», «В», «Г» нусхаларда айнан юқоридаги шаклда изоҳланган. Лекин, «А» нусхада бу ибора (А.284а.2) عت لشيخ – «ата ли-шайх» кўринишида ёзилган. Мазкур иборадаги عت – «ата» феъли матнидан али:ф ҳарфи тушиб қолган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг тадқиқотга истифода этилган қўлёмалари матнида ҳарфлар билан бир қаторда айрим белги, ҳаракатларнинг тушиб қолиш ёки нотўғри қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг арабча матнида берилган ҳаракатларда ҳам диққатли ўринлар учрайди. Масалан, қўлёмаларда «Аллоҳ унинг ҳажини қабул қилди» жумласида арабча шаклидаги ҳаракатлар турлича берилган. «А» нусхада мазкур жумла (А.392а.4) أبر الله حجتة – «абарр-Алла-ҳи ҳажжатаху», «Б» нусхада (Б.1286.2) أبر الله حجتة – «абарр-Алла:ҳу ҳужжатаху», «В» нусхада (В.88а.9) أبر الله حجتة – «абарр-Алла:ҳу ҳужжасаху» тарзида берилган. Қиёсланаётган «Г» нусхада эса (Г.59а.7) أبر الله حجة – «абарр-Алла:ҳу ҳажжаҳу» шаклида грамматик жиҳатдан ҳаракатлари тўғри берилган. Шу сабабли жумланинг бу шакли асосий матнда қолдирилди.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг арабча матнида бир ўзакдан ясалган бошқа шаклдаги сўзларнинг қўлланиши, хусусан, сўзнинг кўплик билан бирлик шакллариининг алмаштирилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Асарда «тугунни ечди» мазмуни حل العقدة – «ҳалла-л-уқда» ибораси оркали ифодаланган. «Б»,

«В», «Г» нусхаларида мазкур ибора юқоридаги каби ўзгаришсиз қўлланилган. «А» нусхада эса у (А.269а.3) حل العقود – «ҳалла-л-уқуд» кўринишида белгиланган. Араб тилидаги عقدة – «уқда», кўплиги عقد – «уқад» – «тугун» мазмунини (Баранов Х.К., 1977:528) ифодалайди. Шунингдек, عقد – «ақд», кўплиги عقود – «уқу:д» сўзи ҳам «тугун» мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Лекин, бу сўз шакли кўплик мазмунини билдиради.

Танкидий матнда истифода этилган «А», «В», «Г» қўлёмаларнинг матнида بصر بالامور – «басира би-л-уму:р» ибораси қўлланилган. Мазкур ибора «Б» нусхада (Б.716.1) بصر بالامر – «басира би-л-амр» тарзида келтирилган. Улар орасидаги фарқ бирликдаги امر – «амр» ҳамда кўпликдаги امور – «уму:р» сўзларининг қўлланилганлигидир. Матндаги бу ҳолат хато, деб топилмай, фарқли шакллар сифатида кўрсатилди.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг тадқиқотда истифода этилаётган қўлёмаларида турлича қўлланилган сўз мақолалари ҳам учрайди. Масалан, فعل يفعل – «фаъла йафъалу» қолипига кирган درأ – «дара-а» сўз мақоласи «А» нусхада (А. 334а.3) در الحد – «дара-л-ҳадд», «Б» нусхада (Б.93а.4) درأ الحد عنه – «дара-л-ҳадд анҳу», «В» ва «Г» нусхаларда эса (В.666.8; Г.46а.10) درأ الحد – «дара-а ʻанҳу-л-ҳадд» кўринишида ёзилган. Жумла мазмунини илмий ишга истифода этилган бошқа қадимий қўлёмалар матни билан солиштириш натижасида «Б» нусхадаги درأ الحد عنه – «дара-а-л-ҳадд анҳу» шакли тўғри деб топилди ва асосий матнда кўрсатилди.

Асар қўлёмаларининг арабча жумлалари матнини қиёсий ўрганиш улар таркибидаги сўзлар қаторида у ёки бу сўзнинг ўрин алмашиш ҳоллари мавжудлигини кўрсатди. Масалан, «А» ва «В» нусхалар матнидаги (А.334б.3; В.67а.3) رقأ الدمع – «рақа-а-д-дамм ва-д-дам» – «қон ва кўз ёш тинди» жумласи «Б» нусхада (Б.93б.1) رقأ الدمع – «рақа-а-д-дамъ ва-д-дамм» тарзида берилган. Ушбу жумлада دم – дам – «қон» ва دمع – дамъ – «кўз ёши» сўзларининг ўрни алмашган. Бундай ҳолатлар жумланинг вариантлари сифатида матнда кўрсатилди.

ХУЛОСА

Хулоса шуки, «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги арабча сўзликнинг илмий-танкидий матни мазкур сўзликнинг сезиларли ўзгаришга учрамаганлигини кўрсатади. Арабча матндаги айрим хатоли ўринлар котиблар томонидан йўл

қўйилган матний сакталиклар ҳисобланади. Бундай хатоли ҳолатлар истифода этилган барча қўлёмалар матнида учрайди.

Илмий-танкидий матн асосида у ёки бу қўлёманинг арабча сўзлиги матнидан тушиб қолган сўз мақолалари асосий матнга тикланди ва тўлдирилди. Асар арабча сўзлигининг илмий-танкидий матни араб тилидаги қўлёмалар асарлар матнлари билан ишлаш жараёнида фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Баранов Х.К. (1977) Арабско-русский словарь. Москва: Издательство «Русский язык».
2. Маждуддин Мухаммад Ферузободий. (1952). Ал-Қомус ал-муҳит. Байрут: (нашр йили кўрсатилмаган).
3. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзФА Шарқшунослик институти, қўлёмалар, № 2699.
4. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзФА Шарқшунослик институти, қўлёмалар, № 3807.
5. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. ЎзФА Шарқшунослик институти, қўлёмалар, № 1497.
6. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату ал-адаб. ЎзФА Адабиёт музейи, қўлёмалар, № 202.

REFERENCES

7. Baranov X.K. (1977) Arabsko-russkiy slovar. Moscow: «Russkiy yazik» publishing house.
8. Majduddin Muhammad Feruzabadi. (1952). Al-Qamus al-muhit. Beirut.
9. Mahmud Zamakhshari. Muqaddamat al-Adab. Oriental Studies Institute in Tashkent, Manuscript, № 2699.
10. Mahmud Zamakhshari. Muqaddamat al-Adab. Oriental Studies Institute in Tashkent, Manuscript, № 3807.
11. Mahmud Zamakhshari. Muqaddamat al-Adab. Oriental Studies Institute in Tashkent, Manuscript, № 1497.
12. Mahmud Zamakhshari. Muqaddamat al-Adab. Oriental Studies Institute in Tashkent, Manuscript, № 202.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@maturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 1/8.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية